

Qishloq hayoti

2017 Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

web sayt: www.qishloqhayoti.uz

2017-YIL 7-YANVAR, SHANBA, № 03 (8710)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

➤ ҚАРОР ВА ИЖРО

Обод юрт манзаралари

«ЎЗ УЙИМИЗГА ЭГА БЎЛДИК»

Насосий вилоятининг Қарқанта туманидаги Ташиқ маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда янгиланган лойиҳалар асосида барпо этилган 32 оилага қўйилган шакли қасамли ва майдони шакли соғимли бир қасамли 46 ўй фойдаланишга топширилди.

2 ➤



САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

ХАЛҚ РОЗИЛИГИ – ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИ

Самарқанд вилояти ҳокими Ҳиммат Оқбўтаевнинг жойларда аҳоли билан мулоқот қилишга бағишланган учрашувариди бу фикр асосий хулоса сифатида билдирилмоқда.

Пахтачи туманида ўтказилган учрашувада тумандаги идоралар, корхона ва ташкилотлар, таълим ва тиббиёт муассасалари раҳбарлари, фуқаролар йиғинлари раислари, тадбиркорлар, фермерлар, нурунийлар, ёшлар иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2017 йил Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинди. Ҳар бир давлат идораси фуқароларимиз учун хизмат қилиши шартлиги аниқ белгилаб берилди.

Ўтган йилнинг сентябрь ойида ташкил этилган Бош вазирнинг виртуал қабулхонаси Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 28 декабрдаги "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони билан Президент Виртуал қабулхонасига айлан-тирилди. Ҳар бир вилоят, туман ва шаҳарда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ташкил этиладиган бўлди. Бу барча давлат идораларининг, раҳбарлар-

нинг масъулиятини янада ошириши-ни, халқ билан мулоқот қилиш ва ўз фаолиятидан уларни хабардор этиши-ни тақозо этади.

2016 йилда виртуал қабулхонага Пахтачи туманидан 170 дан ортиқ мурожаат тушган. Умуман, йил давомида туман ҳокимлиги томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг 1055 мурожаати қабул қилинган. Айрим ҳолларда ушбу мурожаатларни ўз вақтида кўриб чиқишда камчиликларга йўл қўйилган.

Мулоқот чоғида мурожаатларни қабул қилиш ва уларни кўриб чиқиш юзасидан қонунчиликда белгиланган қондалар эслатиб ўтилди.

– Янги йилдан бошлаб ҳокимлик ва давлат бошқаруви органлари ходимлари жойларга чиқиб, аҳоли билан бевосита мулоқот ўтказишга

киришди, – дейди "Нуруний" жағ-мармаси Пахтачи тумани бўли-маси раиси М.Самандаров. – Айни пайтда маҳалларда, корхона ва ташкилотларда шундай учрашувар ўтказилмоқда. Банклар ходимлари хонадонма-хонадон юриб, аҳолини тадбиркорликка жалб этмоқда. Бу ишларга туманимиз нурунийлари ҳам ўз хиссасини қўшмоқда. Бугун вилоят ҳокими билан учрашувада ҳам пахтачиликлар кўп саволларига жавоб олди. Туманимизни ривожлантириш бўйича ўз таклифларини билдирди.

Учрашувада тадбиркор ва фер-мерлар, маҳалла фаоллари, нуру-нийлар, ёшлар бир қатор таклиф, ташаббусларини билдириб, кўлаб саволларига вилоят ҳокими ҳамда вилоят ташкилотлари раҳбарлари-дан жавоб олди. Ўртага ташланган муаммо ва камчиликларнинг аксари-ятига шу ернинг ўзида ечим топилди.

Ҳ.ҲАСАНОВ,
ЎЗА мухбири.

➤ ФАРМОН ВА ИЖРО

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси "Тадбиркор аёл" ишбилармон аёллар ассоциацияси билан ҳамкорликда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институти (бизнес омбудсман) – тадбиркор аёллар фаолияти ривожини йўлида" мавзусида видеосеминар ўтказди.

БИЗНЕС ОМБУДСМАН ХОТИН-ҚИЗЛАР КўМАКЧИСИ

Парламент кўйи палата-сининг Демократик институт-лар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси раиси А.Саидов, "Тадбиркор аёл" ишбилар-мон аёллар ассоциацияси раиси Г.Маҳмудова ва бош-қалар мамлакатимизда ҳу-сусий мулк, кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасининг ҳуқуқий асосларини такомил-лаштириш мақсадида Кон-ституцияда, Фуқаролик кодекси ҳамда "Тадбиркор-лик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги

қонун асосида 1200 дан ор-тиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимизда хо-тин-қизларни қўллаб-қув-ватлаш борасида амал-га оширилётган изчил ислохотлар туфайли улар жамиятда муносиб ўрин эгалламоқда. Ўзбекистон "Тадбиркор аёл" ассоциа-цияси ўз сафида 14 мингдан зиёд ишбилармон аёлни бирлаштириб, уларнинг та-шаббусларини рўйбга чиқа-ришда кўмаклашмоқда. (Давоми 2-саҳифада)

**Фаровонлик ва тинчлик
хукми сураётган
юртимизнинг
салоҳиятини бутун
дунё тан олмоқда.
Албатта, тинчликни кўз
қорачигидек асраш,
дориламон кунларнинг
қадрига етиш ҳақида
сўз борганда, тинч
ҳаётимизнинг ишончли
кафолати бўлиб хизмат
қилаётган Қуролли
Кучларимиз – миллий
армиямизни алоҳида
таъкидлаш жоиз.**

Ватан ҳимоячилари куни тобора яқинлашиб келмоқда. Шу кунларда Соҳибқирон Амир Темури, Жалолиддин Мангуберди каби буюк зотларнинг жасорат ва мардликлари яна бир бор ёдга олинмоқда.

Ўтган йилнинг февраль-март ойларида Сурхондарё вилоятидан ҳам кўпплаб ёшлар республикамизнинг турли вилоятларига ҳарбий хизматга чақирилган эди. Аини кунда улар ҳаёт мактаби, деб аталмиш хизматда тобланиб, маънан етук, жисмонан соғлом бўлиб, муқаддас бурчини шараф билан адо этмоқда. Андижон ва Сурхондарё вилоятларида йигитлик бурчини ўтаётган ана шундай бир гуруҳ аскарлар яқинда ота-оналари билан видеомулоқотда бўлдилар. «Менинг ўғлим – Ватан ҳимоячиси» номли онлайн му-



Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (УшА) олган сурат.

ДИЙДОРДАН ҚАЛЬБЛАР ҚУВОНЧГА ТЎЛДИ

лоқотда сўзга чиққанлар юртимизда ҳарбий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар ва ҳарбий хизматчиларга яратилаётган шарт-шароитлар хусусида тўхталиб ўтди. Шундан сўнг ота-оналар фарзандлари билан бевосита мулоқотга киришдилар. Ҳар икки вилоят ҳокимлиги ва ҳарбий қисм командирлари томонидан билдирилган илиқ

фикрлар ота-оналар қалбини бир олам қувончга тўлдирди.

– Ўғлим – Ватан ҳимоячиси! – дейди сурхондарёлик аскар онаси Саодат Бозорова. – Бугун Андижон вилоятида хизмат қилаётган фарзандим билан мулоқотда бўлдим. Болам ҳақида қисм командирдан илиқ сўзларни эшитиб, кўнгим тоғдек кўтарилди. Бизга мана шундай

имкониятни яратиб берганларга ташаккур дейман.

Тадбирда бу каби миннатдорлик ҳисси ҳар бир ота-она юз-кўзида зоҳир эди. Мулоқот давомида хизматни аъло даражада ўтаётган аскарларга вилоят ҳокимлигининг совғалари топширилди.

Дилфуза ЖЎРАЕВА,
«Qishloq hayoti» мухбири.

ШАРАФГА АЙЛАНАЁТГАН БУРЧ

Мухтор Ашрафий номидаги Бухоро санъат коллежида Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли кучларимиз ташкил этилганининг 25 йиллиги муносабати билан маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Унда Фарғона вилоятида ҳарбий хизматни ўтаётган бухоролик аскарлар ва Бухоро вилоятида ҳарбий хизмат бурчини фарғоналик аскар йигитлар билан уларнинг ота-оналари ўртасида видеомулоқот ташкил этилди.

– Ўғлим Достонбек Нуриддинов Фарғона вилоятида ўз йигитлик бурчини ўтапти, – дейди бухоролик аскар онаси Максуда Қобилова. – Фарзандимнинг мамлакатимиз сарҳадларини кўриқлаб, Ватан ҳимоячиси бў-

либ астойдил хизмат қилаётганидан фахрланаман.

Видеомулоқот давомида сўз олган ҳарбийлар, ота-оналар, фахрийлар ва жамоатчилик вакиллари бугунги кунда миллий армиямизда амалга оширилган ислохотлар натижасида Қуролли Кучларимиз энг замонавий қурол-аслаҳалар, техника воситалари билан таъминланганлиги, ҳарбийлар учун яратиб берилган шароитлар хусусида тўхталиб ўтишди. Бундай шаро-

итда ҳарбий хизмат қилиш ҳар бир йигит учун шараф ва масъулият эканлигини таъкидлашди.

Фарғоналик шоира Энаҳон Сиддиқова томонидан ҳарбийларни шарафлаб ўқилган шеърлар аскарлар ҳамда уларнинг ота-оналари қалбини ғурур ва ифтихорга тўлдирди.

Тадбир якунида санъаткорлар иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

Хамроз АЛИ,
«Qishloq hayoti» мухбири.

«МЕНИНГ ЎҒЛИМ – ВАТАН ҲИМОЯЧИСИ»

**Жиззах давлат педагогика институтида
Ўзбекистон Республикаси Қуролли
Кучлари ташкил топганининг 25 йиллиги
ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати
билан «Менинг ўғлим – Ватан ҳимоячиси»
шиори остида видеомулоқот уюштирилди.**

Тадбирга Жиззах вилоятидаги ҳарбий қисмларда хизмат қилаётган қорақалпоғистонлик аскарлар ҳамда Қорақалпоғистонда йигитлик бурчини ўтаётган жиззахлик ёшлар ва уларнинг ота-оналари таклиф этилди. Тадбир аввалида оналарга гулдасталар топширилиб, аскарлар Ватан ҳимоячилари куни билан кутланди.

Шундан сўнг Жиззах вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси ўртасида видеоалоқа ўрнатилиб, ҳар иккала ҳудудда ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар ота-оналари билан экран орқали дийдорлашдилар. Оналар соғинчга тўла дилларини ёзган бўлсалар, аскарлар ҳарбийлик ҳаёти ҳақида гўлжичланиб сўзлашди.

– Ўғлим билан суҳбатлашиб,

шундай юртда яшаётганлигимга яна бир бор шукроналар келтирдим, – дейди Жиззах туманида истикомат қилувчи Раҳима Бойқулова. – Фарзандим анча ўзгариб, ҳақиқий Ватан ҳимоячисига айланганлигини ҳис этдим. У нафақат жисмонан, балки маънавий жиҳатдан ҳам камол топибди. Келажакда офицер бўлишни ният қилган ўғлим учун бу аини муддаодир. Ниятим-осмонимиз ҳамisha мусаффо бўлсин, аскарларимиз доимо тинч юрт чегараларини кўриқлашсин. Зеро, фарзанди Ватан ҳимоячисига айланганлиги ботир элнинг сарҳадлари ҳамisha мустаҳкам бўлади.

Мулоқот давомида мамлакатимиз мудофаа тизимида кечаётган ислохотлар, муддатли ҳарбий



Максад ХАБИБҒАЛИЕВ (УшА) олган сурат.

хизматни ўтаган ёшлар, шартнома асосида хизмат қилаётган аскар ва офицерлар учун яратилган шароит ва имтиёзлар хусусида фикрлар билдирилди. Шунингдек, жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик фаълларидан юқори натижаларга эришган, ҳарбий интизомини

ЮРТ ПОСБОНЛАРИ УЧУН ЯНГИ УЙЛАР

**Урганч туманида
Ўзбекистон Республикаси
Миллий хавфсизлик
хизмати чегара
қўшинларига қарашли
ҳарбий қисм хизматчилари
оилалари учун янги уй-
жайлар фойдаланишга
топширилди.**

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда туман ҳокимлиги, жамоатчилик вакиллари, фахрийлар, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг ота-оналари иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида ҳарбий хизматчиларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётган. Хусусан, замонавий ҳарбий шахарчаларини барпо этиш ва реконструкция қилиш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари учун қулай ижтимоий-маиший шароит ҳамда инфратузилма яратиш, уй-жайлар қуриш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Тумандаги «Туртқўла» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида барпо этилиб, фойдаланишга топширилган 6 та уч хонали хонадонда ҳарбий хизматчилар учун ҳар томонлама қулай шароитлар яратилган.

– Давлатимиз томонидан шинам ва барча қулайликларга эга уй-жайлар берилгани ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига қаратилаётган эътибор самарасидир, – дейди ҳарбий хизматчи Б.Холмирзаев. – Бунга жавобан биз Ватанимиз тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш йўлида бор куч-гайратимизни аяммаймиз.

Ташкил этилган концерт дастури тадбир иштирокчилари, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига байрам шукуҳини тақдим этди.

Нуриддин БОЛИЕВ,
«Qishloq hayoti» мухбири.

мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётган бир гуруҳ аскарларга Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганининг 25 йиллиги муносабати билан фахрий ёрликлар топширилди.

Алижон АБДУСАТТОВ,
«Qishloq hayoti» мухбири.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2016 йил 30 декабрь кунли мамлакатимизнинг етакчи илм-фан намоёндалари билан учрашуви чоғида шундай дедилар: “Илм-фан билан шуғулланиш, янги кашфиёт ва ихтиролар қилиш игна билан қудуқ қазишдек гап. Шундай экан, бу машаққатли соҳада фидокорона меҳнат қилаётган олимларимиз меҳнати таҳсин ва рағбатга муносиб”.

Ана шундай масъулиятли, машаққатли, аини пайтда шарафли ишни олиб бораётган олимлардан бири техника фанлари номзоди Асомиддин Қорахоновдир. Олим ўзининг салкам олти йиллик илмий фаолияти давомида ниҳоятда баракали ишларни қилди.

Ҳаёти ва билимини, салоҳиятини соҳа ривожига қаратган устоз фаолиятининг кўп қисmini илм билан боғлади ва қишлоқ хўжалиги техникалари тараққиётига катта ҳисса қўшиб келмоқда. Домла илмий ва амалий тажрибасини фидойи меҳнати билан халқ манфаати йўлида сарф этиб келаётган забардаст олимдир.

Унинг қишлоқ хўжалиги техникалари илмига кириб келганига бу йил 57 йил тўлди. Асомиддин Қорахонов 1960 йилда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг қишлоқ хўжалигини механизациялаш факультетини тамомлаб, йўланма билан Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти (ҳозирги ҚХМЭИ)га ишга келди ва ўзи танлаган соҳага астойдил меҳр қўйиб, бугунги кунгача шу даргоҳда меҳнат қилиб келмоқда.

У 1965-1968 йилларда институт аспирантурасида таҳсил олди. 1970 йили “Ўрта Осиё пахтачилик ҳудудларида бегона ўтларни йўқотиш технологияси ва оповли культиватор параметрларини асослаш” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди ва техника фанлари ном-



Техника фанлари номзоди Асомиддин Қорахонов (ўртада) ҳамкасблари даврасида.

Решит ГАЛИЕВ олган сурат.

➤ ИЛМГА БАХШИДА УМР

ДЕҲҚОНГА ҚАНОТ ЯРАТИБ ЯШАМОҚДА

зода илмий даражасига эришди.

Асомиддин ака ёш мутахассис сифатида келиб иш бошлаган лаборатория бугунги кунгача – ўтган ярим асрдан ортиқ вақт давомида ўзининг асосий илмий йўналишини сақлаб қолди. Устоз 1973-1986 йилларда гўза қатор ораларига ишлов беришни механизациялаш лабораторияси раҳбари, 1987-1997 йилларда учта лабораторияни ўзига бириктирган пахта етиштиришни механизациялаш бўлими раҳбари лавозимларида меҳнат қилди. 1997 йилда институт тизимининг ўзгариши муносабати билан бўлим лабораторияга айлантирилди. Лекин унинг илмий йўналиши кенгайтирилиб, қишлоқ хўжалиги экинларини экиш ва парваришlash машиналарини яратиш лабораторияси деб юритила бошлади. Бу лабораторияга раҳбарлик қилиш яна устозга ишониб топширилди. Домла раҳбар сифатида илмий ходим-

лари лаборатория олдига қўйилган вазифаларни бажаришга йўналтири билди. Шу билан бирга лабораторияда ёш кадрларни тайёрлаш, уларни етук олим сифатида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратди.

Бугун ўзининг илмий фаолиятини қишлоқ хўжалиги экинларини экиш ва парваришlash жараёнларини механизациялаш билан боғлаган ҳар бир олим Асомиддин акани танийди ёки унинг номини эшитган, десак муболага бўлмас. Домла ўзининг фаолияти давомида кўплаб ёшларга ўз маслаҳатларини берди, ҳаётий тажрибаси, билим ва кўникмалари билан ўртоқлашди, илмий тадқиқотларини олиб боришларида уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлади. Ўтган давр мобайнида лаборатория ва бўлимда бажарилган илмий-тадқиқот ишлари асосида 20 дан ортиқ ёшлар техника фанлари номзодлари ва докторлари

илмий даражасига эришдилар.

Асомиддин Қорахонов 1982-1985 йилларда Ангола Республикасида шартнома бош инженери ва шартнома раҳбари лавозимларида хизмат сафарини ўтаб келди. Хизмат сафари давомида Анголанинг табиий-иқлим шароитларига мослаб, “Пахта ва макка етиштириш технологик карталари”ни ишлаб чиқди ва бу технологик хариталар ишлаб чиқаришга жорий қилинди.

Асомиддин Қорахонов олимлик йўлини танлабдики, янги техника ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни механизациялаш усулларини ўзлаштириш, механизаторлар малакасини ошириш, курсларда семинарлар ва машгулотлар ўтказиш, янги техникаларни намойиш қилиш ҳамда илм-фан ютуқларини матбуотда, радио ва телевидение орқали тарғиб этишда фаол иштирок этиб келади, олиб борилган илмий-тадқиқот ишларининг нати-

жаларини илмий матбуотда чоп эттиради. Унинг қаламига мансуб битта китоб ва 200 дан ортиқ илмий мақола ва тавсияномалар бунинг исботидир. Бундан ташқари, домла 30 дан ортиқ техник янгиликлар яратиб, уларга муаллифлик гувоҳномалари ва патентлар олган. Хусусан, ўзининг илмий фаолияти давомида КО-2,4 оповли культиватор, ПХГ-4 гербицид сепиш мосламаси, КХУ-4 чопиқ культиватори, ОБХ-28 пуракачи, МВХ-5,4 мотигаси ҳамда ГХ-4 пушта олғичи каби бир қатор қишлоқ хўжалиги машиналарини яратишда бевосита қатнашди. Бу техникалар ҳозирги кунгача деҳқонларнинг яқин кўмакчиси бўлиб келмоқда, эъни юртимиз далаларида кенг қўлланиб келинаётир. Истиқлол йилларида сўғориладиган майдонларда дон экишга мўлжалланган ДЕМ-3,6 дон экиш сеялкаси, тулки ва туқсиз чигит ҳамда яхши сочилувчан уруғларни аниқ экишга мўлжалланган PMS-4 кўп функцияли пневмомеханик сеялка, гўза қатор ораларига бир йўла ишлов бериб, донни қаторлаб экадиган СЗХ-3,6 комбинациялашган агрегат ва бошқа бир қатор машиналарни ишлаб чиқиш, уларнинг параметрларини асослаш ҳамда қишлоқ хўжалигига жорий этишда фаол иштирок этди.

Устоз бугунги кунда улғайида бўлишига қарамай ҳамон изланишдан чарчамайди. Ҳозирда Асомиддин Қорахонов қишлоқ хўжалигини механизациялаш соҳасида долзарб муаммолардан бўлган уруғларни аниқ меъёрларда қаторлаб ва уялаб экадиган, замонавий, юртимиз тупроқ-иқлим шароитларига мос пневматик сеялка ҳамда экологик тоза полиз маҳсулотлари етиштиришда қўлланиладиган энергия ва ресурстежамкор комбинациялашган агрегатни ишлаб чиқиш устида илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

Ҳа, Асомиддин Қорахонов улғу фазилат – фидойиликни қудалик ҳаётининг мезонига айлантирган. Бу эса шоғирдлари, илм ахли, умуман олганда, барча учун ибрат мактабидир.

**Абдирасули ИБРАГИМОВ,
Абдукарим АБДУРАҲМОНОВ,
техника фанлари номзодлари.**

➤ ИЛМ-ФАН ЯНГИЛИКЛАРИ – АМАЛИЁТГА

ИСТИҚБОЛЛИ НАВЛАР ПАХТАЧИЛИКНИНГ ПОРЛОҚ ИСТИҚБОЛИНИ БЕЛГИЛАЙДИ

Истиқлол йилларида селекционерларимиз томонидан гўзанинг турли зараркунанда ва касалликларга чидамли, мамлакатимизнинг тупроқ-иқлим шароитига мос, эртапишар ва серҳосил, толаси узун янги навлари яратилмоқда. Улар жаҳон бозорида талаб этилган асосий сифат кўрсаткичларига тўла жавоб беради. Шу билан бирга селекционерларимиз томонидан доимий изланишлар олиб борилаётирки, уларда навларни янада такомиллаштириш имкони юзага келаётир.

Ана шундай янги навлардан бири – “ЎЗПИТИ – 202” гўза навидир. Ушбу нав Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Андижон илмий-тажриба станциясида А.Қосимов, М.Дадажонов ва бошқалар томонидан (Тошкент-6 х л-322) х

Л-442 гўза нави ва тизмаларини ўзаро дургайлаш ҳамда кўп марта танлаш йўли билан яратилган. Янги навининг тупи конуссимон шаклда бўлиб, пояси мустаҳкам, шоҳланиси 1-1,5 типга мансуб, биринчи ҳосил шохи 4-5 бўғиндан чиқади.

Ушбу нав ўртапишарлар гуруҳига ки-

ради. Бир донга кўсагидаги пахта вази 5-5,5 граммни ташкил қилади. Янги нав рангининг оклиги, толасининг узунлиги 33,5-34,5 мм, тола чиқиси 37-38,5 фоизлиги ҳамда микропейри 4,4-4,6 лиги билан харидорларни ўзига жалб қилади.

“ЎЗПИТИ – 202” гўза навини тупроқ шароитига, ерининг рельефига қараб 60 ва 90 см.ли қатор ораларига ва плёнка остига экиш мумкин. Чигит экиш чуқурлиги бошқа навлардан фарқ қилмайди. Чигит экиш олдида яхоб суви берилган майдонларда экилганда чигити тез кунда кийгос униб чиқиб, соғлом ривожлана бошлайди. Чигити униб чиқиши учун тупроқда етарли нам бўлмаган далаларга чигит суви берилиб, уруғларнинг тўла униб чиқиши таъминланади. Умуман олганда, ушбу нав агротехникаси ҳам анчай-

ин содда бўлиб, деҳқонларга парварини давомида қатор қулайликлар яратлади.

Истиқболли “ЎЗПИТИ – 202” гўза нави 2008 йилдан буён Давлат нав синаш шохобчаларида синовдан ўтмоқда. 2016 йилдан истиқболли навлар қаторига киритилган. Унинг уруғи ПСУЕАНИТИ Андижон илмий-тажриба станциясида дастлабки уруғ кўпайтириш бўлимида 2015 йилдан бошлаб сара уруғ сифатида кўпайтирилмоқда.

Пахтачилик – мураккаб илм. Ана шу мураккаб илм ниҳоятда хайрлидир. Бу эса бободехқоннинг йил бўйи қиладиган меҳнати самараси – мўл ҳосил етиштиришда намоён бўлади. Олимларимизга ана шундай захматли меҳнатда барака тилаймиз.

**Бахтиёр ҚОСИМОВ,
илмий тадқиқотчи.**

Муносиб кийим ҳам МАДАНИЯТ БЕЛГИСИ

Истиқлол йилларида юртимизда ёшлар таълим-тарбиясига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиб келинмоқда. Уларнинг пухта билим олишлари, ўқиб-изланишлари, турли йўналишларда ўз истеъдод ва маҳоратларини тўлиқ намойиш этишлари учун барча шароитлар яратилган. Айниқса, ўқувчи-ёшларнинг чет тилларни чуқур ўрганишларини қўллаб-қувватлашга доир ишлар, ўз навбатида, бу сайёҳ-ҳаракатларнинг юксак ижобий самара бераётгани кувонарли ҳол, албатта.

Бироқ айрим ёшларнинг мазкур имкониятлардан тўри фойдаланмаётгани, чет тилларнинг меъёрий сўзлашув услуби, грамматикаси, турли қоидаларини ўзлаштириш ўрнига жаргон сўзларини ўрганиб олиб, гап орасида ишлатиши кишини таажубга солади. Баъзи йигит-қизларнинг чет тилидаги ёзувлар туширилган кийим-кечакларни сўзнинг моҳиятига тушунмай кийиб юришини, ҳатто "мода" дея "ясан-тусанидан" гурурланишини кўргангизда эса беихтиёр ёқа ушлайсиз.

Яқинда танишмининг 7-синфга борадиган укаси билан суҳбатлашиб қолдим. Суҳбатимиз давомида унинг бир гапи эътиборимни тортди. "Синфимизга янги қиз келди. Шу десангиз, ўзи жааа замонавий, кийиниши роса "модний" экан. Расмини кўрасизми?", дея телефондаги синфдошлари билан биргаликда кўчада тushган бир неча суратни кўрсатди. Қарасам, "танишгирмоқчи" бўлган қизи футболкада. Устига-устак



"модний" деб мақтаётган кийимнинг олд тарафига "Kiss me!" ("Мени ўп") деб ёзиб қўйилган. Бу ҳақда гапирсам, "нима бўпти?" деган маънода қўл силтади.

Сўнг суҳбатдошимнинг кийимига ишора қилиб, "бу сўзларнинг маъносига тушунсанми", деб сўрадим ундан.

— Йўқ, — деди у.

Мана шу каби бир қарашда аҳамиятсиздек туюлган, баъзи ҳолларда биз эътибор қилмай-диган ёки тушунмайдиган сўзлар кўзимизга, тафаккуримизга сингиб бормаяптими? Наҳотки, баъзиларини одам талаффуз қилишга ҳам уяладиган шундай сўзларни кўриб ҳам безътибор юраверсак. Бунда мантиқ қани? Мана шу каби нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида юртимиздаги умумтаълим мактаблари ва бошқа таълим масканларида ўқувчилар учун махсус кийимлар ташкил этилган. Албатта, бу ташаббус бир томондан ёшлар ўртасидаги тенгликни таъминласа, иккинчи томондан, "оммавий маданият"га берилишнинг олдини олади.

Дарҳақиқат, ўқувчи маъ-

навиятини шакллантиришда таълим-тарбия, тарғиб-бот-ташвиқот билан бирга, кийиниш маданияти ҳам муҳим ўрин тутди. Олинган қўллаб-қўлланган асосида ҳар бир мактабга ўзининг ҳудудий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, кийим дизайнини танлаш имконияти берилган. Бунда ҳудуднинг иқлим шароити, ўқувчиларнинг ёш ва физиологик ривожланиш хусусиятлари ҳамда мактаб кийимининг миллий менталитетимиз, маънавий-ахлоқий қадриятларимизга мослиги инобатга олиниши лозимлиги ҳам белгиланган.

Бироқ масаланинг нозик томони шундаки, баъзи ўқувчиларда унинг моҳиятини тушунмаганлиги боис, ҳамма кийган кийимни кийиш ёки тенгдошлари билан бир хил бўлиб юриш истаги ҳамиша ҳам бўлавермайди. Улар мактаб кийимини кийганда ҳам ажралиб туришга ҳаракат қилишади. Айрим ота-оналар орасида эса "Менин қизим ҳамма кийган кийимни киймайди. Кийганда ҳам ҳеч кимда йўқ, энг зўр матодан тикириб бераман" дейдиган-

лари ҳам учраб туради. Ваҳоланки, бу ҳол бошқа бир ўқувчида ҳавас, баъзи оилавий шароити огирроқ ўқувчиларда эса қандайдир ўқсинишни келтириб чиқариши мумкин.

— Мактаб ҳамма учун тенг даргоҳ, — дейди меҳнат фахрийси Ҳанифа опа Назарова. — Унда, аввало, тартиб-интизомга эътибор қаратилиши зарур. Маълумки, мактабда ёш жиҳатдан тенг болалар бир синфда ўқишади. Ҳаммаси бир хил дарсликлардан фойдаланишади. Дарсларга бир пайтда кириб, бир пайтда танаффусга чиқишади. Бирга ўқиб, бирга ўрганишади. Энди бунинг аксини бир тасаввур этиб кўринг-чи. Дейлик, ота-она раъйига бориб, ўқувчига истаган кийим-кечагини кийишига рухсат берилса, ҳар ким ўз билганага юрса, тенг шароит, бир хил талаб бўлмаса, ўз-ўзидан ўқишга, дарсларга ҳам муносабат ўзгариши, тартиб-интизом издан чиқиши ҳеч гап эмас. Бундан кўриниб турибдики, бир қарашда оддий ёки арзимас нарсасдек туюладиган кийиниш масаласи аслида мактабдаги ўта муҳим қоидалардан бири саналади.

— Мактабга борганимда ўқувчиларнинг формада юришларини кўриб, жуда кувонаман, — дейди уй бекаси Дилбар Жалилова. — Эътибор берсангиз, формада ўқувчи қаддини тик тутиб юришга, ўзини тартибли, тоза, озода тутишга ҳаракат қилади. Бу борада дўстларидан қолишмасликка интилади. Маълум бир тартиб-қоидага риоя этиш лозимлигини, зиммасидаги масъулиятни ҳис этади. Шу орқали ўқувчи мактабда, кўчада, жамоат жойларида ўзини тутишни янада тез ўзлаштиради.

Латофат БҮРИЕВА

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

Гулистон шаҳридаги "Ёшлар маркази"да Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, "Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳиби, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Сирдарё вилояти бўлими раҳбари Ҳаётхон Ортиқбоевнинг "Тонгларингга насимман" деб номланган китоби тақдиротиға бағишланган тadbир бўлиб ўтди.

ТОНГЛАРИНГГА НАСИММАН, БАТАН

— Ҳаётхон Ортиқбоева вилоятимиз аҳлига ўз ижоди билан танилган шоира, жамиятда ўрнига эга аёл саналади, — деди тadbирда сўз олган Гулистон давлат университети ректори Ботир Зокиров. — Шоиранинг шеърларида мард ва танги Мирзачўл одамларининг олий-жаноблиги сезилиб туради. У жонажон диёрни қадрлаш, Ватанга муҳаббат, меҳр-оқибат каби улуг инсоний фазилатлар руҳини янги китобига жо қилган.

Тadbирда сўзга чиққанлар Ҳ.Ортиқбоева ижодининг ўзига хос қирралари ҳақида ҳамда адабиётда шеърининг ўрни хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

— Ҳаётхон Ортиқбоева шу нури бустон бағрида улғайиб, эл суйган, ардоқлаган шоирага айланди, — дейди шоира Муннаввара Усмонова. — Оланинг янги китобида ҳам чўл одамларининг жафокашлиги, одамларга меҳр, ўзига хослик яққол ажралиб турибди.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

ЭЪЛОНЛАР

БАРЧА ТУРДАГИ КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Курилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент вилояти ҳудудий консалтинг маркази "Қишлоқ қурилиш инвест" МЧЖ ИК томонидан 2016 йил 6 декабрда "Ўзбекистон бунёдкори" ва 8 декабрда "Қишлоқ ҳаёти" газеталарида эълон қилинган Тошкент вилояти ҳудудида намунавий лойиҳалар бўйича 185 та уй-жойлар қурилиши учун 2017 йил 6 январь кунги таклифларни топширишнинг охириги муддатлари 2017 йил 11 январь куни белгиланган соатларгача у зайтирилганлигини маълум қилади.

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА

Акциядорлик тижорат Халқ банкининг Тошкент вилояти филиали банкнинг Қуйичирчиқ ва Оққўрғон филиаллари биноларида капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш юзасидан лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотларни танлаш бўйича очик танлов эълон қилади.

1. Танлов комиссияси ишчи органининг манзили ва телефони: Манзил: Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Қатортол кўчаси 46-уй. Телефон: (99871) 273-86-57, факс: (99871) 273-86-57. E-mail: info.tashvil@xb.uz
2. Танлов мавзуси: "Халқ банки Қуйи Чирчиқ ва Оққўрғон филиаллари биноларида капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш юзасидан лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотларни танлаш".
3. Тендер ўтказилиши шартлари бўйича қўшимча маълумотларни ҳафтанинг душанба – жума кунлари соат 09:00 дан 18:00 га қадар юқорида кўрсатилган манзил ва телефон рақамлари орқали олиш мумкин.
4. Тижорат таклифлари (нархлари бўйича алоҳида конвертда, техник талаблар бўйича алоҳида конвертда корхона муҳри билан муҳрланган бўлиши лозим) 2017 йилнинг 23 январь куни соат 09:00 дан 18:00 га қадар қабул қилинади.

Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан қишлоқ жойларда аҳолининг кенг қатламларини замонавий ва шинам уй-жой билан таъминлаш мақсадида

«ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ ИНВЕСТ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ 2017 ЙИЛДА ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА ЯНГИЛАНГАН НАМУНАВИЙ ЛОЙИХАЛАР БЎЙИЧА АРЗОН УЙ-ЖОЙЛАР ҚУРИЛИШИ УЧУН ПУДРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ТЕНДЕР САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тендер савдолари эълон қилинган сана: 2017 йил 6 январь

Тендер таклифларини тақдим этиш учун охириги муддат: Эълон чоп этилган санадан 30 кундан сўн

Қишлоқ жойларда қуриладиган янгиланган намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар типлари.

- 1-тип: Хўжалик иморатлари ва обод ховлилари бўлган икки, уч қаватли кўп квартиралари (2, 3 хонали) уйлар;
2-тип: Хўжалик иморатлари билан биргаликда майдони 0,02 га. бўлган ер участкаларида жойлаштириладиган бир қаватли 2, 3 хонали уйлар;
3-тип: Хўжалик иморатлари билан биргаликда майдони 0,04 га. бўлган ер участкаларида жойлаштириладиган икки қаватли 4 хонали бириктирилган уйлар.
4-тип: Хўжалик иморатлари билан биргаликда майдони 0,06 га. бўлган ер участкаларида жойлаштириладиган бир қаватли 3, 4 ва 5 хонали уйлар;

Тендер иштирокчилари қуйида санаб ўтилган ҳар бир тендер пакетлари учун муҳрланган танлов таклифларини киритишлари мумкин. «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИК («Буюртмачи») ҳуқуқий ваколатга эга бўлган тендер иштирокчиларини қуйида келтирилган шартномалар бўйича янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун («Қурилиш ишлари») муҳрланган танлов таклифларини киритишларини таклиф қилади.

Тендер иштирокчилари қўшимча маълумот олиш ва тендер ҳужжатлари билан танишиш учун Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйида кўрсатилган манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин: Манзил: Тошкент шаҳри Навоий кўчаси 18 уй. Тел/факс: (0-371) 241-15-26, 241-15-32.

Тендер ҳужжатларининг нуҳасини олиш учун тендер иштирокчилари қуйидаги тартибда юқорида кўрсатилган манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин: «_____ вилояти, _____ тумани, _____ массивидаги, _____ лот _____ та якка тартибдаги уй-жойлар қурилишни амалга ошириш учун тендер ҳужжатларини беришингизни сураيمان.» шаклида юқоридаги манзилларга ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилиш лозим.

Тендер ҳужжатларини эълон берилган кундан бошлаб барча иштирокчилар олишлари мумкин.

Кейинчалик қайтариб берилмайдиган пул тўлови тендер ташкилотчиларининг – Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказларининг тегишли бўлимлари банк ҳисобрақамларига ўтказилиши лозим. Бир тўплам танлов ҳужжатлари учун кейинчалик қайтариб берилмайдиган 100 000 сўм.

Банк ҳисобрақами реквизитлари: «ASIA ALLIANCE BANK» АТБ Олмазор филиали, МФО 01102, ИНН: 300017720, х/р: 20210000504546027001.

Тендер ҳужжатлари қуйидаги тартибда тақдим этилиши лозим:

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳудудий консалтинг марказларига.

Таклифларни тақдим этишнинг сўнгги муддати:

Шартномалар рўйхатида кўрсатиб ўтилган вақтгача.

Тендер ҳужжатларида кўрсатилган тартибда декларация тақдим этиш.

Тендер таклифларининг очилиши таклифлар тақдим этишнинг охириги кунинда тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган барча ташкилотлар иштирокида қуйида келтирилган манзилда ўтказилади: Тошкент вилояти ҳокимлиги. Манзил: Тошкент шаҳри Мовароуннаҳр кўчаси 17 уй. Тел/факс: (0-371) 232-80-98.

Қўшимча маълумотлар учун «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИКнинг қуйида келтирилган ҳудудий филиалларига мурожаат қилишлари мумкин: Тошкент вилояти филиали. Тошкент шаҳри Бунёдкор кўчаси 100 уй. Тел: (0-371) 216-66-32.

Тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган ташкилотлар, қурилиш ташкилотлари Давлат реестри рўйхатида кирган бўлиши ҳамда қуйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:

Table with 6 columns: Уй типлари, Талаб этиладиган йиллик ўртача айланма маблаг (сўм), Қурилиш малакаси ўхшаш ҳажм ва характердаги шартнома (сўм), Сўнгги бир йил давомида бажарилган ер ишлари ҳажми м², Сўнгги 3 йилда бажарилган бетон ишлари м³, Сўнгги 3 йилда қуриб битирилган уйлар майдони м². Rows include 'Кўп қаватли 2, 3 хонали уйлар' and 'Бир қаватли 2, 3 хонали (0.02га.) уйлар'.

Шартнома (лот)лар рўйхати

Table with 6 main columns: Лот, Худудлар номи, Массивлар номи, Жами уйлар (хондонлар) сони, шу жумладан: Кўп қаватли 2, 3 хонали уйлар, Бир қаватли 2, 3 хонали (0,02 га.) уйлар, Икки қаватли 4 хонали бириктирилган уйлар, Бир қаватли 3, 4 ва 5 хонали (0,06 га.) уйлар, Таклифларни топшириш охириги муддати. Rows include 'Тошкент вилояти', '742 Янгийўл Гулбаҳор', '743 Янгийўл Гулбаҳор', '744 Қуйичирчиқ Сурум'.

Multiple small text blocks providing legal notices and contact information for various entities, including 'AZTRA O'YUS', 'LOCAL PLUS REALTY', 'HAPPY SEED TRADE', 'BEMROMISTAN SERVICES', and 'QISHLOQ HAYOTI'.

«КЎЧМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖНИНГ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 октябрдаги 285-сонли қарори ҳамда Жиззах вилояти ҳокимлигининг 2016 йил 29 декабрдаги 03-853-сонли алоқа хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қўйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи қўйилмоқда

1. Икки қаватли “Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш” биноси қуриш учун Зарбдор тумани “Ойбек 2” МФЙ худудидан 324 кв.м.дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати 270 936 сўм. Қурилиш муддати 1 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 8 та, киритилиши лозим бўлган энг кам инвестиция миқдори 972 000 000 сўм. 2. Бир қаватли “Маиший хизмат кўрсатиш” биноси қуриш учун Зарбдор тумани “Янги ҳаёт” ҚФЙ Истикбол аҳоли пункти худудидан 90 кв.м.дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати 61 640 сўм. Қурилиш муддати 1 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 3 та, киритилиши лозим бўлган энг кам инвестиция миқдори 162 000 000 сўм. 3. Бир қаватли “Маиший хизмат кўрсатиш” биноси қуриш учун Зарбдор тумани “Янги ҳаёт” ҚФЙ Истикбол аҳоли пункти худудидан 90 кв.м.дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати 61 640 сўм. Қурилиш муддати 1 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 3 та, киритилиши лозим бўлган энг кам инвестиция миқдори 162 000 000 сўм. 4. Икки қаватли “Маиший хизмат кўрсатиш” биноси қуриш учун Зарбдор тумани “Нурафшон” МФЙ худудидан 288 кв.м.дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати 197 250 сўм. Қурилиш муддати 1 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 5 та, киритилиши лозим бўлган энг кам инвестиция миқдори 864 000 000 сўм. 5. Икки қаватли “Маиший хизмат кўрсатиш” биноси қуриш учун Зарбдор тумани “Нурафшон” МФЙ худудидан 288 кв.м.дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати 197 250 сўм. Қурилиш муддати 1 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 5 та, киритилиши лозим бўлган энг кам инвестиция миқдори 864 000 000 сўм. 6. Бир қаватли “Савдо дўкони” биноси қуриш учун Зарбдор тумани “Нурафшон” МФЙ худудидан 67,5 кв.м.дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати 46 230 сўм. Қурилиш муддати 1 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 2 та, киритилиши лозим бўлган энг кам инвестиция миқдори 202 500 000 сўм. 7. Бир қаватли “Сервис хизмат кўрсатиш” биноси қуриш учун Зарбдор тумани “Янги ҳаёт” МФЙ худудидан 144 кв.м.дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати

98 625 сўм. Қурилиш муддати 1 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 2 та, киритилиши лозим бўлган энг кам инвестиция миқдори 259 200 000 сўм. 8. Бир қаватли “Сервис хизмат кўрсатиш” биноси қуриш учун Зарбдор тумани “Янги ҳаёт” МФЙ худудидан 144 кв.м.дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати 98 625 сўм. Қурилиш муддати 1 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 2 та, киритилиши лозим бўлган энг кам инвестиция миқдори 259 200 000 сўм. 9. Бир қаватли “Сервис хизмат кўрсатиш” биноси қуриш учун Зарбдор тумани “Навоий” МФЙ худудидан 108 кв.м.дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати 73 969 сўм. Қурилиш муддати 1 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 2 та, киритилиши лозим бўлган энг кам инвестиция миқдори 194 400 000 сўм. 10. Бир қаватли “Сервис хизмат кўрсатиш” биноси қуриш учун Зарбдор тумани “Навоий” МФЙ худудидан 108 кв.м.дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати 73 969 сўм. Қурилиш муддати 1 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 2 та, киритилиши лозим бўлган энг кам инвестиция миқдори 194 400 000 сўм. 11. Бир қаватли “Сервис хизмат кўрсатиш” биноси қуриш учун Зарбдор тумани “Равот” МФЙ худудидан 192 кв.м.дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати 131 500 сўм. Қурилиш муддати 1 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 2 та, киритилиши лозим бўлган энг кам инвестиция миқдори 345 600 000 сўм. 12. Бир қаватли “Сервис хизмат кўрсатиш” биноси қуриш учун Зарбдор тумани “Равот” МФЙ худудидан 192 кв.м.дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати 131 500 сўм. Қурилиш муддати 1 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 2 та, киритилиши лозим бўлган энг кам инвестиция миқдори 345 600 000 сўм. 13. Бир қаватли “Сервис хизмат кўрсатиш шохбачаси” биноси қуриш учун Зарбдор тумани “Равот” МФЙ худудидан 576 кв.м.дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати 394 499 сўм. Қурилиш муддати 1 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган энг кам инвестиция миқдори 1 036 800 000 сўм. 14. Бир қаватли “Мазмурий бино” биноси қуриш учун Зарбдор тумани “Равот”

МФЙ худудидан 288 кв.м.дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати 197 250 сўм. Қурилиш муддати 1 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 3 та, киритилиши лозим бўлган энг кам инвестиция миқдори 518 400 000 сўм. 15. Бир қаватли “Савдо дўкони” биноси қуриш учун Зарбдор тумани “Тараққиёт” МФЙ Хутор кишлоғи худудидан 144 кв.м.дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати 98 625 сўм. Қурилиш муддати 1 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 2 та, киритилиши лозим бўлган энг кам инвестиция миқдори 259 200 000 сўм. 16. Бир қаватли “Савдо дўкони” биноси қуриш учун Зарбдор тумани “Анджон” ҚФЙ худудидан 72 кв.м.дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати 49 312 сўм. Қурилиш муддати 1 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 2 та, киритилиши лозим бўлган энг кам инвестиция миқдори 129 600 000 сўм. 17. Бир қаватли “Маиший хизмат кўрсатиш” биноси қуриш учун Зарбдор тумани “Анджон” ҚФЙ худудидан 72 кв.м.дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати 49 312 сўм. Қурилиш муддати 1 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 2 та, киритилиши лозим бўлган энг кам инвестиция миқдори 129 600 000 сўм.

Талабгорларнинг конвертлари Жиззах вилояти ҳокимлиги биноси мажлислар залида 2017 йил 16 февраль куни соат 16:00 дан бошлаб очилади ва таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор галиб деб топилди. Талабгорлардан буюртмаларни қабул қилиш 2017 йил 15 февраль куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми туман ва шаҳар архитектура бўлиmlари томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тўшлик).

Юқорида ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи белгиланган танлов кунида сотилмаган тақдирда, навбатдаги танлов савдолари 2017 йил 3, 22 март, 6, 21 апрель, 8, 24 май, 8, 23 июнь кунлари соат 16:00 дан бошлаб

ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Навбатдаги танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2017 йил 2, 20 март, 5, 20 апрель, 5, 23 май, 7, 22 июнь кунлари соат 18:00 да тўхтатилади.

Навбатдаги танлов катнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Жиззах вилояти ҳокимлиги биноси мажлислар залида 2017 йил 03, 22 март, 06, 21 апрель, 08, 24 май, 08, 23 июнь кунлари соат 16:00 дан бошлаб очилади ва белгиланган тартибда танлов ғолиби аниқланади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини АТИБ “Ипотека-банк” Жиззах вилояти филиалидаги қўйидаги хисобрақамига тўлашлари шарт: Х/р: 22626000804920609001, МФО 00122, СТИР: 207122519.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг ярим баробари миқдоридagi ҳақ эвасига олади.

Талабгорлар буюртманомана билан бирга қўйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:

– юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

– жисмоний шахслар – паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси) ваколатли вакил катнашган тақдирда шахсни тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

– танлов ташкилотчисига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

– танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили: Жиззах шаҳри Ш.Рашидов кўчаси 39 уй. Тел: (0-372) 222-34-16. www.1kms.uz. j_1kmsx@inbox.uz.

Лицензия: RR 0001.

AVTOSALON

«SARDOR AVTO INVEST»



ZAZ Forza, dv: 109 л.с. - бензин / газ



Нива Бизнес - пикап, 4x4, dv: 80,92 л.с. - бензин / газ



ТУДОВ ТУРИ: НАҚД, ТЕРМИНАЛ, ПУЛ УТНАЗИШ, КРЕДИТ, ЛИЗИНГ

Манзил: Тошкент ш. Шота Руставели кўчаси, 113-уй. Мўлжал: Жанубий вокзал.
Телефонлар: (+998 71) 215-09-11, 250-23-93.

www.sardor-avto.uz

Махсулотлар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган

БАРЧА ТУРДАГИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАЛАРИ



Махсулотлар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган

(+99871) 150-58-58, 150-68-68

Сайт: www.sninvest.uz

E-mail: info@sninvest.uz



QISHLOQ HAYOTI

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси Агротехнология
комплекс тарихидаги
ҳамда шу тармоққа
дахлдор вазирлик ва
идоралар.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Зойир МИРЗАЕВ, Соҳибжон ТУРДИЕВ,
Шухрат Тешаев, Яшин ХИДИРОВ, Эркин ҚУДРАТОВ,
Абдуваҳоб ТАМИКАЕВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТОИР,
Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),
Анвар ҚУЛМУРДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),
Шодибёр ЙУЛДОШЕВ (Масъул котиб).

Телефонлар: Қўбўлхона – 236-26-50, Котибхона – 233-95-17,
Аграр масалалар бўлими – 233-76-78. Маънавият ва маърифат
бўлими – 236-26-35. Иқтисодий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар
бўлими – 236-26-49. Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар
бўлими – 233-76-78, Факс – 233-44-43, 233-09-93.

Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04.

web sayt: www.qishloqhayoti.uz e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Ҳудудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси –
(+99890) 592-62-04

Вилоятлар:

Андижон – (+99893) 630-73-03;
Бухоро – (+99891) 401-29-59;
Жиззах – (+99893) 940-00-27;
Наманган – (+99893) 948-53-86;
Фарғона – (+99890) 407-76-03;
Самарқанд – (+99893) 994-57-08;
Сирдарё – (+99894) 168-23-60;
Тошкент – (+99890) 976-39-58;
Хоразм – (+99897) 792-71-25;
Қашқадарё – (+99891) 635-08-03;

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
2009 йил 13 февралда

№ 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Буюртма Г-113, ҳажми 2 босма табоқ,
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3.

Манилими: 100000, Тошкент,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Газета таҳририятнинг ўзига компьютерда терилди ва
дизайнер Маркс ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди.

25868 нусхада чоп этилди.

НАШР ИНДЕКСИ — 144

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 22.30

“Ўзгормансерени” уюшмаси жамоаси
уюшмаси раиси Баҳодир Абдуқодировга оғаси
Муборак аянинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик
билдиради.

ISSN 2010-7031



Навбатчи муҳаррир:
С.САЙДИСЛОМОВ
Мусаҳҳиж:
Д.КОМИЛЖОНОВА

101 ОГОҲЛАНТИРАДИ

БОЛАЛАРНИ БАЛОЛАРДАН АСРАЙЛИК

Ўтган 2016 йилда юртимизда содир бўлган
ёнгинлар таҳлилига назар ташласак, уларнинг
аксарияти болаларнинг қаровсиз қолдирилиши
оқибатида содир бўлганлиги маълум бўлди.

Энг ачинарлиси, ушбу
ёнгинларда 4 нафар бола
дуёдан кўз юмган, 55 киши
тажароҳати олган. Шунинг
учун фарзандларимизга
болалигидан олов билан
ўйнаш хавфлигини,
бунинг оқибати аянчли
бўлишини доимо тушунириб
борсак, нохуш ҳолатларнинг
оқибати олган бўламиз.

Ўрнини ҳеч нарса билан
қоплаб бўлмайдиган йўқ
тишлар юз бермаслиги учун
ёш болаларни уйда қаровсиз
қолдирмаслик, уларга ёнгин
хавфсизлик қондаларига риоя
қилиш юзасидан доимо ту-
шунча бериб бориш, шунинг-

дек, ёнгин хавфсизлиги хиз-
матига мурожаат этиш, воқеа
содир бўлган жойнинг аниқ
манзили, ўз исм-шарифини
айтиш кўникмасини шакл-
лантириб бориш лозим.

Эртамиз эгалари, умри-
мизнинг мазмуни бўлган бо-
лаларимизни ёнгин балоси-
дан асрайлик.

Шавкат УМАРОВ,
Тошкент шаҳридаги
20-ҲЁХК инспектори,
серожант.

ЭЪЛОН



«Асака» банк

лицензияга эга мустақил баҳолаш
ташкilotларини танлов асосида
банк балансидаги травертин
ва мрамор плиталар ишлаб
чиқаришга мўлжалланган собиқ
“Стоун Экспресс” ҚК мулкый
мажмуасининг бозор баҳосини
аниқлаш бўйича таклиф этади.
Таклифлар эълон оммавий ахборот
воситаларида чоп этилган кундан
бошлаб бир ҳафта мобайнида
қабул қилинади.

Қўшимча маълумотлар учун
қуйидаги манзилга мурожаат
қилишингизни сўраймиз:

Тошкент шаҳри Яккасарой
тумани Муқимий кўчаси 1-тор
кўча 9-уй.

ТЕЛЕФОН: (0-371) 120-39-68.